# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2003 YIL 17 OKTYABR, JUMA

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№129 (6.654). Sotuvda erkin narxda


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

**ФАРМОНИ**

## Тошихару Китамурани «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги катта ҳиссаси, республиканинг банк ва молия тизимига юқори малакали кадрларни тайёрлашдаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси проректори, Васеда университети профессори Тошихару Китамура «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 14 октябрь

### КУНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

- **Хатирчи туманининг Акмал Икромов номидаги ширкат хўжалиги деҳқонлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажарди.**
- **Қорақалпоғистон Республикаси ўлкашунослик музейида Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1030 йиллиги муносабати билан «Дунёни лол қолдирган олим» мавзуида кўргазма очилди.**
- **Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Корея Республикаси халқаро ахборот агентлиги - «КОИКА» ҳамкорликда мутахассисларни компьютер ва янги ахборот технологиялари асосида профессионал тайёрлаш бўйича ўқув марказини очишга қаратилган лойиҳани имзолади.**
- **«Ўзбекистон маркаси» акциядорлик жамияти томонидан ўзбек миллий ҳунармандлик санъатининг дўппичилик йўналишига бағишланган янги маркалар тўплами тайёрланди.**
- **Ўзбек Миллий академик драма театрида профессор Ҳафиз Абдусаматовнинг «Саҳна сардори» китоби тақдимоти бўлиб ўтди.**
- **Тошкентда Халқаро Бизнес марказида Иқтисодий тадқиқотлар марказининг «Иқтисодий таълим ва тараққиёт» лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳа марказнинг «Евроосиё» фонди ҳамда ЮСАИД - АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.**
- **Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган спорт мажмуаларини қуриш борасидаги тендер танловида «Тошвилоятқурилиш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ғолиб чиқди.**
- **Пойтахтимизнинг Миробод туманида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.**



**Минисахон Заппарова "Хонқа дон" маҳсулотлари очиқ турдаги акциядорлик жамиятида лаборатория мудираси бўлиб ишлайди. Унинг бу вазифада иш бошлаганига йигирма йилдан ошди. Шу вақт мобайнида Минисахон маҳсулотнинг сифатли чиқишига катта ҳисса қўшиб келмоқда.**

**СУРАТДА: Минисахон Заппарова.**
Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХВФ БИТИМЛАРИ VIII МОДДАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ РАСМАН ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ИСЛОҲОТ

***Ички валюта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, жорий халқаро операциялар бўйича сўмни эркин конвертация қилинишига босқичма-босқич эришиш учун зарур шароитларни яратиш, республика банк тизими олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланди.***

Хусусан, жорий йилда Республика ҳукумати ва Марказий банки томонидан ички валюта бозорини эркинлаштириш ва янада ривожлантиришга қаратилган бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ушбу кўрилаётган тадбирларнинг асосий мазмуни ва моҳияти – жорий йилнинг охирига қадар Халқаро валюта фонди Битимлари Моддаларининг VIII Моддаси бўйича мажбуриятларни қабул қилиш учун мустаҳкам қонуний негизни бунёд этишга ва валютани тартибга солиш бўйича қонун ҳужжатларини юқорида қайд этилган Модда талабларига мувофиқлаштиришга қаратилган эди.

Битим Моддалари Халқаро валюта фондининг асосий юридик низоми ҳисобланади. Халқаро валюта фонди Битими Моддалари VIII-Моддасининг талаблари моҳияти шундан иборатки, мазкур фонд аъзоси бўлган ҳар бир давлат жорий халқаро операциялар бўйича ўз миллий валютасининг эркин конвертациясини ҳамда айирбошлаш курсларининг унификацияси (бирхиллашуви) ни таъминлаши лозим бўлади.

Жорий халқаро операциялар бу импорт ва экспорт операциялари бўйича тўловлар, валюта бойликлари олди-сотдиси бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ссудалар ва кредитлар бўйича фоизлар тўлаш, дивидендлар, чет эл инвестицияларидан тушган даромадларни тўлаш, чет элда ишлаётган шахсларнинг иш ҳақини ўтказиш, шунингдек, носавдо тусидаги тўловлар-жисмоний шахсларнинг чет элга хусусий ўтказмалари ёки хориждан келаётган тушумлар ҳамда таълим ва даволаниш учун ўтказмаларни ўз ичига қамраб олади.

Ҳозирги кунда 200га яқин давлат Халқаро валюта фондининг аъзоси ҳисобланади ва шулардан фақатгина 156 давлат Халқаро валюта фонди Битимининг VIII-Моддаси бўйича мажбуриятларни ўз зиммаларига олган.

VIII-Моддада кўзда тутилган мажбуриятларни қабул қилиш учун ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Ҳукумати ва Марказий банки томонидан барча зарурий чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди.

Хусусан, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, 2002 йилда Ўзбекистон ҳукумати билан Халқаро валюта фонди ўртасида иқтисодиётнинг барча тармоқларини ислоҳ этишни, шу жумладан, валюта бозорини эркинлаштиришни назарда тутадиган иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича Меморандум имзоланган эди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида мазкур Меморандумда кўзда тутилган барча талаблар бажарилди.

**(Давоми 2-бетда)**

## АДОВАТЛИ ЭМАС, АДОЛАТЛИ БЎЛАЙЛИК

НИГОҲ

***Ҳар куни таҳририятимизга турли мавзуларда ёзилган ўнлаб мактублар келади. Газетхонларимиздан бири жойларда амалга оширилаётган ижобий ишлар, ютуқлар ҳақида ёзса, яна бири ўзлари яшаётган ҳудудлардаги юзага келган муаммолар, ноқонуний хатти-ҳаракатлар, кимлардир томонидан йўл қўйилаётган адолатсизликларни куюниб қаламга олади.***

Буни ҳаёт дейдилар. Албатта, ютуқлар билан бирга камчиликлар, адолат ва адолатсизлик, тўғрилик ва ғирромлик ҳар қандай жамиятда доимо бўлган. Газетхонлар эзгу ишлар, яхши ниятлар билан қилинган ва қилинаётган ишлар ҳақида ёзиб юборган мактублар бизни ҳам қувонтиради. Бу хушхабардан бошқалар ҳам воқиф бўлиши учун уни тезроқ газетага чоп этишга ҳаракат қиламиз. Аммо, таҳририятга келаётган баъзи шикоят хатлар... Улар ҳаммамиз учун оғриқли бир нуқта.

Мамлакатимизда ҳуқуқий ислоҳотларга асос қилиб инсон манфаати, хоҳиш-иродаси каби омилларнинг қўйилганлиги юртимиз ҳаётида асл демократик қадриятлар қарор топаётганлигидан далолатдир. Келаётган шикоят хатларида эса кўпроқ инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги, баъзи ташкилотларнинг мутасадди раҳбарлари томонидан ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир қилинаётганлиги, натижада ҳам маънавий, ҳам моддий азият чекаётганликлари ҳақида дард билан ёзишади.

**"Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди".**

*(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддаси).*

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик жамият қурилаётир. Бунда ҳар бир фуқаро ўзининг ҳуқуқи ва бурчини мукаммал англаб етиши даркор. Республикамиз қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқбузарликнинг ҳар қандай кўриниши қатъий таъқиб қилинади. Шу ўринда фуқаролар турли ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича таҳририятга эмас, аввалambор, судга мурожаат қилишлари мумкин.

**"Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиши кафолатланади".**

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси).

Тўғри, ким қаерга шикоят ёзишни ҳеч ким чегараламайди. Шу ўринда кўпчилик ўз муаммоларининг ечимини топиш учун турли матбуот нашрларига, жумладан, "Қишлоқ ҳаёти" газетаси таҳририятига ҳам мурожаат қиладилар. Албатта, шикоят аризаларида баён этилган салбий ҳолатларни бартараф этиш учун таҳририят имкон даражасида ҳаракат қилади. Ушбу арзномалар тегишли вазирлик, жойлардаги ҳокимиятларга, идораларга юборилиб, қатъий назоратга олинади. Таҳририят аралашуви билан шикоят ёзган газетхонларнинг муаммолари журналист текширувидан кейин ижобий ҳал бўлаётир.

Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 44-ўрта мактабнинг бир гуруҳ ўқувчилари таҳририятга мактуб йўллаб, "Ўтган йили хўжаликларга ҳашарга чиққанда терган пахталарининг ҳақини ҳамон ололмаётганлиги, ўзларининг қонуний иш ҳақларини олишга ёрдам беришни" сўраб мурожаат қилган эдилар.

Болаларнинг ушбу мактуби асосида ўтказилган журналист текширувидан сўнг ушбу мактаб ўқувчиларига 680 минг сўм иш ҳақлари ундириб берилди.

Шу ўринда таҳририятимизга миннатдорчилик билдирган яна бир шикоятчининг мактубидан қуйидаги сатрларни келтирамиз: "Мен фермер хўжалигини ташкил этиш учун уч йилдан буён овора-ю сарсон бўлиб юрган эдим. Ниҳоят сизларга шикоят ариза ёзганимдан сўнг менга чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалигини ташкил этишим учун 190 гектар ер ажратишди. Мен бир қанча идораларга мурожаат қилган эдим. Ҳеч ким арзимга қулоқ солмади. Яхшиям, "Қишлоқ ҳаёти" газетаси бор экан. Улар мушкулимни осон қилишди. Шунинг учун мен бир умр таҳририятдан миннатдорман.

Абдулла Умаров,

Оҳангарон тумани, Ангрен ширкат хўжалиги."

"Адолат эгилади, лекин синмайди". Ҳақиқатан ҳам ҳақ барибир қарор топар экан. Кўпчилик мавжуд муаммоларни, кимларнингдир томонидан йўл қўйилаётган хатоларни, содир бўлаётган ноқонуний ҳолатларни тўғри ёзадилар. Улар кимларгадир хусумат қилиш ёки ғараз ниятни ўйлаб эмас, балки шу камчилик ва нуқсонлар тезроқ бартараф этилишини истайдилар.

Таҳририятга келаётган яна баъзи шикоят хатлари эса...

Жорий йилда эр-хотин Гулчеҳра ва Бахтиёр Орзиевлар икки марта шикоят ариза йўллашган. Биринчи мактубда, Бекобод туман марказий касалхонасида товламачилик, порахўрлик, таниш-билишчилик авж олганлиги ҳақида сўз юритилади. Иккинчи хатда эса, Тошкент вилояти тиббий меҳнат экспертиза комиссияси врачлари ундан ногиронлик гуруҳини тайинлаш учун пора талаб қилаётганлигини ёзишади.

Иккала шикоят хати ҳам ҳокимият, прокуратура, тиббиёт идораси ходимлари иштирокида муфассал текширилди. Текширишда аризада кўрсатилган фактлардан бирортаси ҳам тасдиқланмади. Ўйлаб кўринг, ушбу шикоят хатларини текширишда қанча одамларнинг қимматли вақти, ташкилотларнинг маблағи кетди, асаблар емирилди.Одам ўз манфаатини кўзлаб ҳалол одамларнинг юзига оёқ қўймаслиги, ўзгаларга туҳмат қилмаслиги, турли идораларни ёлғон сўзлари билан чалғитмаслиги, умуман инсоф ва диёнат доирасидан чиқмаслиги керак. Қонунларимиз ҳам бунга йўл қўймайди.

**(Давоми 2-бетда)**

## ШАРТНОМА – ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ

ҚАРОР ВА ИЖРО

***Барча жабҳалар қатори мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ишлари давлатимизнинг доимий эътиборидадир. Чунки, Ўзбекистоннинг аграр соҳа устувор мамлакат ҳисобланишини назарда тутадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигида эришиладиган ютуқлар барча соҳалардаги ислоҳотлар муваффақиятининг омилидир.***

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш борасида қўйилган ҳар бир қадам, аввало, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини кўтаришга, фақат хом ашё етказиб бериш билангина шуғулланган соҳага саноатни жалб этиб, тайёр маҳсулотлар билан бозорларга чиқишга қаратилди. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалигида фермерчиликка, яъни хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, унга 1-илова сифатида "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида Низом" эса қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар, хусусан соҳада шартномавий муносабатларни такомиллаштиришни тамомила янги босқичга кўтарди. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятга эришиш, гоҳида унинг ўзига хос шафқатсиз рақобат-у, "ноқулайликлари"га бардош бериш, қилаётган ишдан наф кўра олиш айнан шартномавий муносабатларнинг нечоғлик шаклланишига боғлиқдир.

**(Давоми 2-бетда)**

ХИЗМАТ

## "ЯХШИЯМ СУҒУРТАЛАГАН ЭКАНМИЗ..."

***Суғурта қандай наф келтиришини яхши тушунганнинг садағаси кетсанг арзийди. Шундай инсонлар қийин шарт-шароит вужудга келганда суғурта идоралари томонидан моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланишларини англаб етишган.***

Фарғона вилояти Риштон туманидаги "Ипак йўли", кўрилган зарар 100 фоиз қоплаб берилди. Бундай ижобий мисолларни йирик ширкат хўжаликлари фаолиятидан ҳам келтириш мумкин. Хусусан, Фарғона туманидаги "Миндон", Ҳ.Ҳакимзода номли ширкат хўжаликлари суғурта шартномаларида кўзда тутилган маблағни юз фоиз тўлаб қўйганликлари уларга қўл келди. Чигитни қайта экиш ҳисобига кўрилган зарар

Ёзёвон туманидаги "Маҳмуд ота", Сўх туманидаги "Ўлжабой", Бағдод туманидаги "Мефтахунноим", шунингдек, "Водий", "Содиқжон", Қаюмов Мухибилла номли фермер хўжаликларининг етакчилари суғурта шартномаларида кўрсатилган маблағларни ўз вақтида, тўла ўтказиб қўйганликлари туфайли табиий офат сабабли экинни қайта экишга тўғри келганида суғурта идоралари томонидан тўлиғича тўлаб берилди. Юқорида келтирилган мисоллар суғурта хизматидан яхши фойдаланиш фермерларга, ширкат хўжаликларига иқтисодий наф келтираётганлигини, бу соҳа тармоқни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётганлигини кўрсатади.

**(Давоми 3-бетда)**

## ЮЛДУЗИ ПОРЛОҚ ШАҲАР

Самарқанд – юлдузи порлоқ шаҳардир,
Тарих ва мозийга маёқ шаҳардир.
Самарқанд сайқали рўйи замин аст,
Қуёшдек то абад уйғоқ шаҳардир.

Бахтим қушига менинг ошён бўлди Самарқанд,
Назмим саройи ичра достон бўлди Самарқанд.
Самарқанд она бўлса, камина бир фарзанддир,
Шоир фарзанди билан комрон бўлди Самарқанд.

Темур унган тупроқданман – Темур унган маскандан,
Темур ўсган чорбоғданман – Темур ўсган чамандан.
Самарқанду Шаҳрисабзнинг ўртасида даргоҳим,
Темур ёққан чироқданман – Темур чиққан Ватандан!

18 ОКТЯБР - САМАРҚАНД ШАҲРИ КУНИ

Қадим Шарқнинг қадим шаҳри, илм-фан, маданият маскани – Самарқанд ҳақида не-не алломалар, тарихчи-ю саёҳатчилар тарих саҳифаларида ёрқин саҳифалар ёзиб қолдиришмаган, дейсиз. Жуда қадим замонларданоқ узоқ эллардан "Самарқанд қайдасан" дея карвонлар йўл тортишган, Буюк Ипак йўлининг қоқ марказида жойлашган бу шаҳарни бежизга "Самарқанд сайқали рўйи заминдир" дея аташмаган.

Самарқанд эрамиздан олдинги IV асрдан бошлаб Сўғдиёна давлатининг пойтахти саналган, дастлаб у Афросиёб номи билан юритилган. Юнонлар босқинидан кейин Мароканда номини олган. Афсонавий қаҳрамон Алп Эр Тўнга (Афросиёб) номи жуда қадимдан Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Фирдавсий асарларида тараннум этилган. Қадим Афросиёб харобаларидан топилган шаҳарсозлик, архитектура, санъат, ҳунармандчилик буюмлари бу ерда илм-фан, санъат эрамиздан олдин ҳам нақадар ривожланганлигидан гувоҳлик беради.

**(Давоми 4-бетда)**

ИНСОН ЎЗИНГ...

## ХИЁНАТ

***Суйритепанинг шундоққина этагида анҳор оқиб ўтади. Анҳор ёнида кун бўйи икки болакай ўйнаб юради. Кузакнинг саррин шамоллари-ю, қаҳратон қишнинг чаёндай чақиб олгувчи изғиринлари уларга дахл қилолмайди.***

Шундай кунларнинг бирида:

-Катта бўлганимизда ҳам жонажон ўртоқ бўлиб қоламиз-а, - деди уларнинг бири.

Бу – Комил эди.

Мурғаккина вужуднинг иддаолардан холи, самимий гаплари ёнидаги ўртоғи – Адҳамни ҳам бефарқ қолдирмади.

-Ҳа, - деди у, - биз ҳеч қачон "сену мен"га бормаймиз, уришмаймиз.

Орадан йиллар ўтди. Болалик ортда қолди. Уларни йигитлик гулшани қучоқ очиб кутиб олди. Иккови ҳам қизларнинг энг сараси – Раънога кўнгил қўйди. Бири иккинчисидан пинҳона ишқий мактублар битар, қиз эса кимга розилик бериб, изҳори дил қилишни билмасди. Охири югурганники эмас, буюрганники бўлди. Раънони тераклисойлик Толиб исмли йигитга узатишди. Йигитлар ички дардларини бир-биридан яшириб, куйиб қолаверишди.

Кўнгилларида оҳ қолди, армон қолди.

Донишмандлар айтгани рост. Жисм яраси битади, дил ярасига эса даво йўқ. Гарчи улар оилали, бола-чақали бўлиб кетган бўлса-да, диллари Раънодан айрилмади. Комил тақдирга тан берди. "Қизга етиша олмаганим тақдирнинг иши", деди. Аммо Адҳам... унинг кўксида бўрондай қўзғалган алам, ҳижрон ситамлари, армон изтироблари тинчлик бермас, қасос олишга чоғларди.

**(Давоми 4-бетда)**


**КЕЛГУСИ СОНДА:**

БИР КУН, БИР ОҚШОМ

МЕҲМОН КЕЛАР ЭШИКДАН...

ТАРВУЗНИ ЙИЛ БЎЙИ ЕНГ

